



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 12 сентябрь, № 188 (7146)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ХУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИ ВА ЛОЙИХАЛАРИНИ ЖАДАЛ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш лозимки, ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар қатор тизимли муаммо ва камчиликларга дуч келмоқда.

Хусусан, янгидан ташкил этилган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиёт ва тадбиркорликни, эркин иқтисодий ва кичик sanoat зоналарини ҳамда туризмни ривожлантириш учун масъул бўлган ҳоким ўринбосарлари томонидан тадбиркорларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга, ҳудудларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишга, шунингдек, мавжуд салоҳиятдан максимал даражада фойдаланишга кўп ҳолларда бепарво муносабатда бўлинадиганлиги кузатишмоқда.

Республика ва жойлардаги давлат бошқаруви органларида кенг тарқалган ва бартараф этилмаётган тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш, зарур ишлаб чиқариш объектлари, ер участкалари ва кредит маблағларини ажратиш, муҳандислик-коммуникация ва бошқа инфратузилма объектларини яратиш масалаларини ҳал этишдаги сансалорлик, бюрократизм ва тўсиқлар билан боғлиқ ҳолатлар тадбиркорлик субъектларини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга фаол жалб этиш, ялпи

ҳудудий маҳсулот ҳажмини ошириш, sanoat ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва хизматлар соҳасини ривожлантиришни таъминламайпти.

Бундан ташқари, жойлардаги ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларининг малакаси ва амалий тажрибаси етарли даражада эмаслиги, республика давлат бошқаруви органлари томонидан улар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ишларининг сустигли қабул қилинаётган қарорларнинг самарали ижро этилишига ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига эришишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, бўш турган объектлар, ер участкалари ва бошқа инфратузилмадан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида:

1. Куйидагилар:
Ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) 1-иловага мувофиқ таркибда;
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар (кейинги ўринларда — ҳудудий гуруҳлар) 2 — 14-иловаларга мувофиқ таркибда ташкил этилсин.
2. Белгилаб қўйилсинки:
ҳудудий гуруҳлар таркибига кирган давлат органлари ва ташкилотлари

раҳбарлари ва ходимлари асосий иш жойи бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилинади ҳамда доимий равишда ўзларига бириктирилган ҳудудда бўлади;

Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар ишига Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар раҳбарларининг қарори билан давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа вакиллари ҳам жалб этилиши мумкин;
Комиссия ва ҳудудий гуруҳларнинг сўровлари, кўрсатмалари барча давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ва мансабдор шахслари томонидан сўзсиз ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

3. Куйидагилар:

а) Комиссиянинг асосий вазифалари этиб:

10 кунда камида бир марта жойлардаги давлат органлари ва ташкилотлари даражасида ҳал қилинмаган муаммолар масалаларини кўриб чиқиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишга тўқсинлик қилаётган мавжуд бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш;

тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қабул қилинган қарорлар, шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотларига манзилли топшириқлар назарда тутилган қарорлар ижроси устидан тизимли назоратни амалга ошириш;
ҳудудий гуруҳлар томонидан чуқур таҳлил асосида аниқланган тадбиркорликни ривожлантириш,

тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишдаги бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш белгилансин;

б) ҳудудий гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб:

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолатини, шу жумладан, муҳандислик-коммуникация, ишлаб чиқариш ва бошқа инфратузилмани ўрганиш, шунингдек, уларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий тижорат банклари маблағларини жалб этган ҳолда янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиш;

ҳудудларнинг эҳтиёжи ва салоҳиятидан (ресурс, табиий-иқлим, меҳнат ва бошқалар) келиб чиқиб, инвестиция киритишни талаб этадиган истиқболли лойиҳаларни, шунингдек, бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкаларини ўрганиш ва аниқлаш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан қўллаб-қувватланган ва тегишли ҳудудда амалга ошириш тақлиф қилинаётган истиқболли лойиҳаларни тезкор кўриб чиқиш чораларини кўриш, салоҳиятли инвесторлар билан музокаралар ва уршувлар ўтказиш;

тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий тижорат банкларининг кредит линиялари ҳисобидан амалга оширишда тижорат банкларининг иштирокини таъминлаш;

(Давоми 2-бетда).



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 сентябрдаги "Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори фаолият кўрсатмаётган, фойдаланилмай турган объектлар мулкдорлари, бунда даражадаги раҳбарларнинг бундай объектлардан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши бўйича масъулиятини кучайтириш, шунингдек, корхоналарни фаол хўжалик фаолиятига жалб этиш ва шу асосда янги иш ўринларини яратиш каби мақсадларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

ДАВРА СУХБАТИ

Халқ табobati ўзи нима? Унинг самарали усулларида аҳоли ўз саломатлиги йўлида самарали фойдалана оляптими? Умуман, бугунги кунда табиблик билан кимлар шуғулланыпти?

Халқ табobatiнинг ҳуқуқий асослари:

МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фўқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан "Халқ табobatiнинг ҳуқуқий асослари: амалиёт ва халқро тажриба" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида ана шу саволлар муҳокама марказида бўлгани ҳолда, аждоқларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган халқ табobatiни ривожлантириш, уни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик тизимини шакллантириш масалалари ҳусусида муфассал сўз юритилди. Унда депутатлар, соғлиқни сақлаш тизимининг етакчи мутахассислари, тажрибали ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, Ўзбекистон халқ табobati академияси олимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

(ЖССТ)га аъзо 130 га яқин мамлакатларда халқ табobatiнинг ҳуқуқий мақоми белгиланган. Улар орасида Хитой, Япония, Жанубий Корея, Германия, Хиндистон каби давлатларнинг қонунчилиги бой тажрибага эга ва такомиллашгандир.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида халқ табobatiга ҳуқуқий баҳо берилмаган, яъни унинг ҳуқуқий мақоми аниқланмаган. Бироқ амалиётда мамлакатимизда халқ табobatiдан турли хил касалликларнинг олдини олиш, ташвиш қўйиш ва даволашда кенг фойдаланилаётганига ҳаётий мисоллар орқали амин бўлмоқдамиз.

Давра суҳбатида халқ табobati аъналари асосида дори воситаларини яратиш ва ундан амалиётда фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари ҳусусида атрофлича тўхталиб ўтилди.



Сўзга чиққанлар Ўзбекистонда до-ривор ўсимлик дунёсини асраб-авайлаш, йўқолиб бораётган айрим ўсим-ликларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш, юртимизда табиблик билан шуғулла-наётганлар фаолиятини қонун доира-сида тартибга солиш ҳамда уларнинг меҳнат фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялаш, табобат илмини ривожлантириш учун кенг шарт-шароитлар яратиш, мазкур йўналишдаги ўқув адабиётлари сонини кўпайтириш ишлари бугунги куннинг долзарб масалалари эканини алоҳида таъкидлади.

Маълумотларга кўра, дунё аҳолиси-нинг учдан бир қисми, айрим Осиё ва Африка мамлакатларининг деярли яр-мидан олтига замонавий табибнинг асосий препаратларини харид қилиш имконига эга эмас.



3

Бухоро хорижий сармоядорларни ҳамкорликка чорлайди

Форум доирасида қарийб **400 000 000** долларлик шартномалар имзоланди.

АНЖУМАН

Мамлакатимизда тадбиркорлар, жумладан, хорижий сармоядорлар учун қулай инвестициявий муҳит яратилгани дунёнинг йирик ишбилармонларида Ўзбекистонга бўлган қизиқишни тобора кучайтирмоқда. Биргина Бухоро вилоятида айни пайтда хорижий инвестиция иштирокидаги 103 та корхона фаолият кўрсатаётгани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир. Кўҳна шаҳарда ташкил этилган "Agro business Bukhara" халқаро бизнес форумида шу ҳақда сўз юритилди.



3

БЎШ ЁТГАН БИНОЛАР фойдали мақсадларга йўналтирилади

XIX асрда яшаган шот-ланд иқтисодчиси Адам Смит ўз даврида шундай де-ган эди: "Барча фўқаролар давлатнинг қазнасига — то-паётган даромади ва имко-нига қараб, баҳоли қудрат ҳисса қўшмоғи керак. Ёнг қўп солиқни эса давлатдан қўп моддий рағбат ва имти-ёз олаётганлар тўлаши ло-зим". Иборага айланган ушбу гапни бежиз тилга ол-мадик. Ўзингиздан қолар гап йўқ, сўнгги пайтда сармоя киритиб, тўрт-беш кишини иш билан таъминлайман, деган тадбиркорга ҳар боб-да, шу жумладан, солиқлар бўйича ҳам имтиёз ва ра-ғбат берилмоқда. Лекин ён-гиллик ва қулайликка эга бўлиб, эвазига ҳеч бир наф келтирмайдиган, "Оларда кираж жоним", берарда чи-қар жоним" қабилида иш тў-тадиган тадбиркорнинг иш-билармонлиги қаерда қола-ди?! Бир пайтлар давлатдан ҳусусийлаштириб олган би-носини ишлатмай, ҳеч ким-га фойдаси тегмаётган тад-биркорга солиқ борасида имтиёз бериш кимга наф келтиради — давлатгами, ўзигами ёки аτροφдагилар-гами? Қарор билан ҳудди шу тизим такомилга келти-рилиб, бир ўзанга солинади.

Вазиятни тўлиғича кўз ол-димизга келтириш учун сал соддароқ тушуинтиришга ҳаракат қиламиз. Яхши би-ласиз, ўз вақтида колхоз ва совхоз деган тузилмалар тугатилган, бир вақтлар гу-руллаб ишлаб турган корхо-налар "синиб", агор бўлган-да, улардан — хотиралар билан бирга, гектар-гектар ер, қават-қават мунгайган иморатлар қолганди. "Эси борида этакни йиғиб олган" ишбилармонлар ўша бино-



2

Бош прокуратура
хузуридаги
Ахборот-таҳлил
мультимедиа маркази
материаллари асосида
Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
тайёрлади.

Халқ табобатининг ҳуқуқий асослари:

МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА



Халқ табобати дори воситаларини дунё бўйича кенг истеъмол қилишга қизиқиш ортби бориши унинг хавфсизлигини таъминлаш стандартлари ишлаб чиқилиб, жорий этилишини, соҳада фаолият юритаётган мутахассислар малакаси ва масъулиятини янада оширишни қонун билан тартибга солишни тақозо қилмоқда. Бу нафақат соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари, шу билан бирга, кенг аҳоли қатламини ҳам бирдек ўйлантириб, таъшишга солади, албатта. Уни ҳал қилишда соҳани ҳуқуқий баҳолаш, тартибга солиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий асослари-

ни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Муҳокамаларда халқ табобатига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, бу борадаги қонунчилик тизимини такомиллаштириш масалалари диққат марказида бўлди. Шунингдек, мазкур йўналишда миллий амалиёт билан бир қаторда, халқаро тажриба ҳам таҳлил қилинди.

Соҳанинг қонунчилик тизимини яратиш хусусида депутатлар, эксперт ва кенг жамоатчилиқнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Яқунда иштирокчилар тақлифлари умумлаштирилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

1 Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Эрон, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари, Франция каби қатор давлатлар ишбилармонлари иштирок этган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З. Мирзаев юртимизда тадбиркорлик фаолияти учун яратилган қўлайликлар тўғрисида атрафлича тўхталиб, барча хорижий сармоядорларни ҳамкорликка таклиф қилди.

Таъкидланганидек, шу йилнинг 10 июлида Президентининг «Бухоро-агро» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш бўйича махсус қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга биноан, мазкур иқтисодий зонада замонавий иссиқхона ҳўжаликларини кластер усулида ташкил этиш, худудда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ишлашни қўқурлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Бухоро-агро» ЭИЗ учун жами 3 минг гектар ер ажратилиб, хариталари ишлаб чиқилди. Иқтисодий зона зиммасига замонавий иссиқхона ҳўжаликлари, улар учун энергия тежовчи конструкциялар, жиҳозлар ва бошқа бутловчи буюмлар ишлаб чиқариш, логистика хизматлари кўрсатиш, уруғдан то маҳсулотни



бозорга етказиб беришгача бўлган тўлиқ жараёнини ташкил этишни рағбатлантириш каби қатор вазифалар юклатилган. Худудда алоҳида солиқ ва боғжона режими амал қилади.

— Ўзбекистон билан барча соҳада кузатилганидек, савдо-иқтисодий жабҳада ҳам алоқаларимиз ривожланиб борапти, — дейди хитойлик тадбиркор Чен Гуан Хуан. — Давлатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айланмаси йилдан-йилга ортаётгани ҳам бунинг далилидир. Биз мева-сабзавотларни интенсив усулда, жумладан,

иссиқхоналарда етиштириш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш бора-сида муайян тажрибага эгамиз. Форумда режаларимиз такдимотини ўтказдик. Бухорода ҳам юртингиз ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилиш мақсадида.

Форум дастури доирасида ҳар бир туманда етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди. Бу хорижий сармоядорларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди.

— Юртингизда етиштирилаётган мевалар сифати, мазаси билан бизга маъқул, — дейди Сингапурнинг «S. E. A. Business» компанияси акциядори Руди Фанг. — Компаниямиз қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Биз беш йил давомида юртингизга 50 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритмоқчимиз.

даракларга қирон келтирилди.

— Ҳозир Бельгиядан келтирилган 11 мингдан ортиқ кўп йиллик бута ўсимликлари билан бирга, каштан, эман, лола дарактларини парвариш-ляямиз, — дейди Фаргона шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Машрабжон Мирхонқов. — Бу қимматбаҳо кўчатлар тўғридан-тўғри хориждан келтирилганлиги боис иссиқ иқлим шароитимизга мослашиб кетиши қийин бўлапти. Уларни сақлаб қолиш ва кўкариб кетишини таъминлаш учун кўчатларнинг ҳар бирини рақамлаб чиқдик ва ана шу рақамлар ёрдамида 800 га яқин ишчи-ҳодимлардан иборат гуруҳларни доимий парвариш учун бириктирдик. Айни пайтда қатъий интизо ва эътибор билан ҳаракат қилаётганлигимиз боис кўчатларнинг 85 фоизини

Жондор туманидаги «Яккатут» массивидан эркин иқтисодий зона учун 100 гектар майдон ажратилган. Шундоқ ён томонда темир йўл тармоғи бор. Табиий газ, сув таъминоти йўлга қўйилган. Экин майдонлари ҳосилдор. Ишчи кучи етарли. Худди мана шу омиллар «leodom» (АҚШ) компаниясининг МДХ мамлакатлари бўйича вакили Донг Жу Сонгнинг қизиқишига сабабчи бўлди. Бу ерда биз туркиялик инвестор Асим Мехмет Отани ҳам учратиб қолдик. У туман раҳбарлари билан ўзаро ва қамшидан қурилишлов материаллар тайёрлаш истиқболлари хусусида фикрлашиб олди.

Хорижий инвесторларнинг Ромитан ва Пешку туманларида бўлиб, амалга оширилиши қўлайлаётган лойиҳалар билан яқиндан танишуви ҳам фойдали кечди. Форум якунида брифинг ўтказилиб, ўзаро ҳамкорлик юзасидан шартномалар тузилгани маълум қилинди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тоҳир ИСТАТОВ (Ўза) олган суратлар.

Қоғоздагиси ҳисоб эмас

Ҳар йили баҳор мавсумида мамлакатимиз бўйлаб минглаб мевали ва манзарали даракт кўчатлари экилади. Бу яхши анъана, албатта. Аммо уларнинг қарови-чи? Илдиизи тутиб кетдим, кўкардим, парваришига кимдир эътибор бераптими? Мана шу жиҳатлар, очиги, кўпчилик эътибордан четда қолиб кетаётгани ҳам айни ҳақиқат. Ваҳолонки, экиш мавсумида қанча техника, ишчи кучи, маблағ сарфланади?! Мақсад яшил худудларни кўпайтиришми ёки шунчаки «Фалон жойга фалонча ниҳол қадақди», дея ҳисоботларни дундиришми? Агар йиллар давомида экилган кўчатлар вақтида сугорибли, агротехника талаблари асосида парваришланганда эди, аллақачон юртининг асосий қисми яшилликка бурканган, ўрмонзорларга айланган бўларди. Лекин ундай бўлмади. Қани ўша манзара? Кўкпам келганда эса яна янги ниҳоллар экишга зўр берилади...

Келинг, аниқ бир худуд мисолида фикримизни давом эттирсак. Бу йилги Наврўз байрами муносабати билан уюштирилган умумхалқ хайрия ҳашари давомида биргина Сурхондарё вилоятининг шаҳар ва туманларида 98 минг тупдан ортиқ меваали, 376 минг тупдан зиёд манзарали даракт кўчатлари ўтказилгани ҳақида маълумотлар берилган. Мана, неча йилдирки, бундай жиҳиммадор ҳисоботлар юқори идораларга юборилади. Аммо ҳар баҳорда такрорланадиган бу зўгу ишларнинг кейинги ахволи билан на ўша идора, на унинг бирор мутасаддиси қизиқади. Энди ўйлаб кўринг, агар ўтказилган ниҳолларнинг ярми ундириб олинган тақдирда ҳам воҳада қандай гўзал манзара юзага келарди?

Бироқ бунинг учун раҳбарларда озгина эътибор, бошқаларда эса фидойилик, жонқурлик етишмаяпти чоғи.

— Бундан 25 йиллар аввал туманимиз марказидаги барча марказий кўчалар ёқасида туман жамоатчилиги ташаббуси ва ҳамжиҳатлигида арча кўчатлари экилганди, — дейди бойсунлик меҳнат фаҳрийси Қўбил Рашидов. — Энг муҳими, меҳр билан парвариш қилинган кўчатлар бир текис униб, баравж ривожланди. Бугун тоғли Бойсунга келган маҳаллий ва хорижий меҳмонлар яшилликка бурканган худуднинг ўзига ҳос манзараси, гўзал табиатиға беҳитиёр таҳсинлар айтишмоқда. Ўз навбатида, кўз ўнгимизда кишин-ёзин яшил манзара касб этадиган арча қаторлари атраф-муҳит мусаффолигини таъминлашга ҳам хизмат қилляпти. Ўйлаётганим, бундай зўгу саъй-ҳаракатларни кенг оммалаштириш, яшил майдонлар яратишга ҳар биримиз ҳисса қўшмоғимиз лозим. Айниқса, ёшларимиз ўртасида экологик маданиятни кенг тарғиб қилиш, улар қалбида табиатга нисбатан меҳр уйғотишда биз, катта авлод вакилла-

цияси ташкил этилиб, унинг низоми тасдиқланди. Унга кўра, инспекция биоре-сурслар, шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий худудларни муҳофаза қилиш, тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Биоинспекциянинг Сурхондарё вилояти тезкор гуруҳи томонидан жорий йилнинг етти ойи давомида жами 319 маротаба ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий ишлар юритилган. Жумладан, ноқонуний даракт кесилиши ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш юзасидан 276 та маъмурий иш юритилиб, 48 миллион 70 минг 773 сўм маъмурий жарималар қўлланилди.

— Дарактларнинг ноқонуний кесилишига қарши курашиш мақсадида мунтазам рейдлар ўтказиб келямиз, — дейди биоинспекциянинг Сурхондарё вилояти тезкор гуруҳи бош мутахассиси Илхом Маматмуротов. — Жумладан, Бойсун туманидаги Қизилнавр маҳалласида яшовчи фуқаро Б. Сафаров мурожаат тили тезкор гуруҳ инспекторлари томонидан ўрганилганда, Бойсун давлат ўрмон ҳўжалиги ўрмон фонди ер майдонларидан жами 59 туп табиий ҳолда ўсган Зарафшон арчаси тақ қисмидан кесилган, 32 туп табиий ҳолда ўсаётган шундай арчаларнинг ён шохлари шикастлангани аниқланди. Натижада ўсимлик дунёсига етказилган жами 56 миллион 993 минг сўмлик зарар ҳисобланиб, тўпланган текширув ҳужжатлари Бойсун тумани прокуратура-

Мутасаддилар нега бефарқ?

Термиз кўчалари бўйлаб кезаркансиз, ҳар қадамда янги иморатлар қурилаётганиға кўзингиз тушади. Бироқ бугун деярли қайта қад ростлаётган шаҳарда яшил майдонлар нисбатан қисқариб бормоқда. Кўп йиллик дарактлар сийрақлашиб бораётган аксарият кўча ва хиёбонларда қўёш нуридан паналашга жой йўқ. Пақана дарактлар соясига бош суқуш, афсуски, бефойда.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари дарактлар ва буталарни кесишга рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атраф-муҳитни муҳофаза

Миллионлаб кўчатлар экилди, аммо...

Ўсимликлар дунёси ҳаёт учун зарур кислороднинг асосий манбаидир. Тадқиқотларға қараганда, бир гектар майдондаги дарактлар бир кеча-кундузда 220 — 275 килограммгача карбонат ангидрид газини ютиб, 180 — 215 килограмм кислород ажратади. Бу миқдор ўртача 500 кишини кун давомида кислород билан таъминлашға етади. Бошқача айтганда, тўртта даракт бир кишининг кислородға бежиз келтирмадик. Ҳўш, шундай экан, мамлакатимизда яшил майдонлар яратиш, ўрмонзорларни кенгайтириш, мавжуд яшиллик дунёсини муҳофазалаш бўйича қандай ишлар олиб борилмоқда? Мухбирларимиз жойларда бўлиб, ана шу саволларға жавоб топишға ҳаракат қилдилар.



Фаргона шаҳрининг катта халқа йўли ёқасидаги махсус рақамланган, чет элдан валюта эвазига келтирилган эман дарактлари бирин-кетин қуриб бормоқда.

ри ибрат намунасини кўрсатишимиз керак. Сурхондарё вилояти ўрмон ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Абдумўмин Раҳмонидин айтишича, 6 та ўрмон ҳўжалиги томонидан 2017 йилда ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолиға 222883 туп, жорий йилда эса 282299 туп манзарали, мевали даракт, шунингдек, бута кўчатлари етказиб берилган.

— Аввало, ҳар бир униб-ўсаётган даракт, бу — бизнинг умумий бойлигимиз бўлиб, уни ҳимоялашға барчамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим, — дейди у. — Аксари-

қилиш давлат қўмитасининг худудий бошқармалари ҳулосаси асосидагина берилиши мумкин.

Лекин биргина Термизда узоқ йиллик дарактларнинг аёвсиз кесилишиға қайси мутасадди рухсат бераётгани кишини ажаблантиради...

— Бизнинг қорхонамиз Президентининг «Автомобиль йўллари қўқаламзорлаштириш ва архитектура ландшафт лойиҳалари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан ўз фаолиятини бошлади, — дейди «Сурхондарё-йўлқўқалам» унитар қорхонаси раҳбари Баҳром Каримов. — Асосий вазифамиз умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари ва қўқаламзорлаштириш ҳамда замонавий технологияларни жорий этишдан иборатдир. Айни мақсадда жорий йилнинг шу давриға қадар 1 миллиард 284 миллион сўмлик ишлар бажарилиди. Хусусан, автомобиль йўллари ёқаларига 25 минг 603 туп даракт ва бута ҳамда манзарали гул кўчатлари экилиб, ҳодимларимиз томонидан мунтазам равишда парваришланмоқда.

Бу ҳақда эшитиб қувонсан, киши. Ишқилиб, ушбу ниҳоллар беҳато тутиб кетсин.

Икки ярим мингта кўчат қуриб қолди

Бу йилги баҳор мавсумида Термиз шаҳри худудида 8 мингдан ортиқ меваали дарактлар, 200 минг донадан зиёд турли хил гул кўчатлари экилди. Жумладан, шаҳардаги Мустақиллик ва Хотира майдони, истироҳат боғлари ҳамда Исломо Каримов, Алишер Навоий, Тараққиёт ва Баркамол авлод каби кўчалар худудида кенг қўламли қўқаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Лекин шунча меҳнат қилинишиға қарамастан жорий мавсумда экилган 2,5 мингдан ортиқ ниҳоллар қуриб қолди.

— Термиз шаҳрининг ноқулай иқлим шароити, яъни кучли шамол, ёзининг жазирамаси кўчатларнинг илдиз отиб, гуркураб ўсишиға салбий таъсир кўрсатмоқда, — дейди Термиз шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳусниддин Каримов. — Бу масаланинг бир жиҳати. Қола-



«Жон талашаётган» даракт...

сақлаб қолишға эришдик. Бироқ ёз саратони, қутилмаган жазирма барибир бу ноёб дарактларға ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Бағдод туманида жорий йилда 2000 тупдан зиёд терак ва меваали дарактлардан таққари 13 миллион сўмлик маблағ эвазига 780 та Қрим арчаси ва манзарали кўчатлар ўтказилган эди. Бироқ бу манзарали дарактларнинг ярми кўкармади.

— Қрим арчаси намчил ва мўътадил минтақаларда ўсадиган даракт, — дейди Бағдод тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Маъруфжон Тўйчиев. — Бизнинг иқлим шароитимизға у мутлақо тўғри келмади. Ҳодимларимиз ёз килисидда унинг тутиб кетиши учун қўқидан нимаики келса, барча чорани кўрди. Масалан, кўчатлар тағидан намни қочирмадик. Танаси устидан сув сепдик. Ҳар бир ниҳолға алоҳида ёндашилди. Лекин барибир ёз жазирамаси ўз таъсирини кўрсатди...

«Ҳаммаси кўр-кўрона бажарилади»

Яна ҳисоботларға қайтсак. 2017 йилда Фаргона шаҳрида 3465 туп даракт кўчати ўтказилган бўлса, 2018 йилда

нобўд бўлган манзарали дарактлар ўрниға 1280 туп кўчат қайта ўтказилган. 2018 йилнинг 28 март қўлиға қўра, Фаргона вилоятининг 19 туман ва шаҳрида жами 11 946 туп каштан,



Бу манзара Термиз шаҳрининг Термиз туманидаги Мангузар маҳалласига туташ худудида суратға олинди. Сугориш тизими мавжуд эмас. Қаровсизлик туғайли баҳорда экилган дарактларнинг аксарияти қуриб қолган.

Қрим қарағайи, эман, Шарқ тўяси, япон софори, каталпа, заранг, ақация, шумтол каби ноёб дарактлар экилган.

Бундай дарактларнинг ўтказилгани икки томони бўлганидек, нега ҳар йили яна шунча даракт экилаверди? Энг қизиғи, бу мақсадлар учун ҳар йили тадбиркорлар, ўқитувчи шифокорлардан ҳомийлик ёрдами сифатида «йигди-йигди»лар бошланади. Қамига маҳаллий бюджетдан ҳам катта-катта маблағ ажратилади. Лекин бунинг самарасини ҳеч биримиз сезмаяптимиз.

— Эман, каштан, лола дарактлари шўр ва зах тупроқда умуман тутмайди, — дейди Бағдод туманида яшовчи нафақадаги биология фани ўқитувчиси, «Шухрат» медали соҳиби Ўқтамжон Абдуқодиров. — Риштон — Фаргона шаҳри йўналишидаги магистраль йўл ёқасига эса шағалли, қуруқ тупроқда унмайдиган Қрим қарағайи экилган. Бу ҳол эса, ҳар қанча парваришға зўр берилмасин, ёзининг саратонда кўчатларнинг қуриб қолишиға сабаб бўлади. Менимча, бу ишларнинг ҳаммаси кўр-кўрона амалга оширилипти. Шунинг учун, аввало, туман ва шаҳарларда фаолият олиб бораётган ободонлаштириш бошқармаларида кўчатчилик парвариши билан боғлиқ кадрлар муаммосини ҳал этиш зарур.

Ундирилган жарима зарарни қоплармикан?..

Фаргона вилоятида 2018 йилнинг биринчи ярим йиллиғида 148 та қонунбузарлик ҳолати аниқланган. Ўсимлик дунёсига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида 127 юридик ва жисмоний шахсдан умумий қиймати 106 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириб олинган.

Фаргона шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг 2 нафар ҳодими ва Қўқон шаҳрида яшовчи О. Мелибоев ўзаро тил бириктириб, Фаргона шаҳридаги Фаргона кўчасидан чинор дарактларини ноқонуний кесилиш оқибатида ўсимлик дунёсига 9 миллион 900 минг 126 сўм, Бағдод туманидаги «Саидизим пахта ва галла» фермер ҳўжалиги раҳбари томонидан эса тол дарактларини кестирини оқибатида 1 миллион 231 минг 648 сўм миқдорда зарар етказилганлиғи маълум бўлди ва иқтисодий судға ундириш учун даъво киритилди.

Кўриб турганингиздек, ҳисоботларға ишонадиган бўлсак, мутасадди идоралар ҳам енг шимариб, табиат қушандаларига нисбатан аёвсиз курашмоқда. Лекин уларнинг саъй-ҳаракатлари камдек, назаримизда. Демак, ҳар йили номингагина даракт экиб, кейин эса уни ўз ҳолиға ташлаб қўйиш «анъанаси»дан воз кечиб, ҳар туп қўчатға эътиборли бўлиш, ўрмон ва дарактзорларни кенгайтириш орқали тоза ҳаво учун курашиш ташаббусини қўллаб-қувватлаш, лозим пайтда амалий ёрдам бериш ҳар биримизнинг зиммасидаги вазифа бўлмоғи лозим. Шундагина қўзланган мақсадға эришилсади, юртимиз боғларда бурканади.

Юнус БЎРОНОВ,
Илхом РАҲМатов,
Элёржон ЭҲСОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

КУЛАЙЛИК

Хизмат
автомобиллари
топширилди

Хоразм вилоятида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашларига "Дамас" русумли хизмат автомашиналари топширилди.

— Кенгашлар фермерлар фаолиятига кўмаклашишда алоҳида ўринга эга, — дейди фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Хоразм вилояти кенгаши раиси Қаҳрамон Ражабов. — Хизмат автомашиналарининг берилиши иш самарадорлигини оширади. Вилоятда 9112 нафар фермер, 289 минг 452 нафар томорқа ер эгаси фаолият кўрсатади.

Одилбек ОДАМБОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

**БИЗНЕСИНГИЗ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН
СИЗ БИЛАН БИРГА!**

«Ўзмилийбанк» инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида чет эл банклари ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан хорижий валютада кредитлар таклиф этади.

Кредитнинг минимал миқдори — 100 минг АҚШ долларида бошланади.

THE WORLD BANK COMMERZBANK EXIMBANK 国家开发银行 Korea Eximbank LB BW Landesbank Baden-Württemberg ГАЗПРОМБАНК

Батафсил маълумотларни (0-371) 148-00-10 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.
www.nbu.uz

Хизматлар лицензияланган.

ASAKA BANK

Хурматли тадбиркорлар!

«Асака» банки

мамлакатимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга ошираётган улкан ишларингиз учун миннатдорлик билдиради!

Ушбу хайрли ишларда фаол иштирок этиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятингиз учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Асака» банки қуйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари орқали бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун кредитлар таклиф қилади:

- «Коммерцбанк А.Г.» (Германия);
- «КФВ Ипекс банк» (Германия);
- «Ландесбанк А.Г.» (Германия);
- Хитой Халқ Республикаси «Эксимбанк»и;
- Хитой Халқ Республикаси ICBC банки;
- Халқаро Тараққиёт агентлиги — «Ўзбекистон Республикасида қорвачилик соҳасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида;
- Халқаро Тараққиёт ва тикланиш банки — «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида;
- Корея Республикаси «Эксимбанк»и;
- Туркия Республикаси «Эксимбанк»и;
- Хитой Халқ Республикаси давлат тараққиёт банки.

Маълумот учун телефонлар:
(0-371) 120-82-24, 120-86-83, 120-82-01, 120-82-62, 120-82-09, 120-82-96.

«Асака» банки — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

«Ўзбекистон темир йўлари» АЖ

йўлнинг устки қурилмаларини сотиб олиш учун танлов (№ УТУ/НХ-10) эълон қилади.

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1.	Йўлўтказгич Р-50 маркали 1/9 проект 2791.00.000	тўплам	16

Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
(+99871) 238-84-43, 237-96-33, 237-94-28.

Ариза ва таклифларни расмий бланкда қуйидаги электрон манзилга юбориш лозим: konkurs@railway.uz

Малакавий танлов учун зарур ҳужжатлар солинган конвертлар ва тижорат таклифлари муҳрланган ҳолда, почта хизмати орқали ёки бевосита даъвогарнинг ваколатли вакили томонидан қуйидаги манзилга етказилиши зарур: Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй.

Танловга ҳужжатларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 28 сентябрь соат 17.00.

«Ўзбекистон темир йўлари» АЖ

материал ва металл маҳсулотлар сотиб олиш учун танлов (№ УТУ/НХ-11) эълон қилади.

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1.	Пўлат қувур, диаметри 27х3,5 мм., ГОСТ 8734-75, 8733-74, В гуруҳи, пўлат 20	тонна	70
2.	Пўлат қувур, диаметри 42х4,0 мм., ГОСТ 8734-75, 8733-74, В гуруҳи, пўлат 20	тонна	140

Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
(+99871) 237-95-70, 237-96-33, 237-94-28.

Ариза ва таклифларни расмий бланкда қуйидаги электрон манзилга юбориш лозим: konkurs@railway.uz

Малакавий танлов учун зарур ҳужжатлар солинган конвертлар ва тижорат таклифлари муҳрланган ҳолда, почта хизмати орқали ёки бевосита даъвогарнинг ваколатли вакили томонидан қуйидаги манзилга етказилиши зарур: Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй.

Танловга ҳужжатларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 28 сентябрь соат 17.00.

«Ўзбекистон темир йўлари» АЖ

эхтиёт қисмлар сотиб олиш учун танлов (№ УТУ/НХ-12) эълон қилади.

Электровоз ва тепловоз эҳтиёт қисмлари — тақдим этилган техник кўрсаткичларга асосан.

Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
(+99871) 237-94-28, 237-96-33.

Ариза ва таклифларни расмий бланкда қуйидаги электрон манзилга юбориш лозим: konkurs@railway.uz

Малакавий танлов учун зарур ҳужжатлар солинган конвертлар ва тижорат таклифлари муҳрланган ҳолда, почта хизмати орқали ёки бевосита даъвогарнинг ваколатли вакили томонидан қуйидаги манзилга етказилиши зарур: Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй.

Танловга ҳужжатларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 28 сентябрь соат 17.00.

ООО «Butlash Garant Servis»

предлагает бетономешалки российского производства

1. Бетономеситель гравитационный МС-200

Технические характеристики:
МС-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

2. Бетономеситель гравитационный СБР-500А.1

Технические характеристики:
СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

Форма оплаты — перечисление.

ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 29А.
Телефоны: (+99897) 760-86-00, (+99890) 370-86-86.

Кичик бизнес субъектлари ва хунармандлар диққатига!

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 676-Ф-сонли фармойиши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 20 августдаги 1240-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2018» кўрик-танловининг туман босқичлари 2018 йил 10 сентябрдан 21 сентябргача ва Тошкент шаҳар босқичи 24 октябрда Олмазор тумани «Зарқайнар миллий либослар галереяси» биносида ўтказилади.

Ушбу кўрик-танловда иштирок этиш истагидаги кичик бизнес субъектлари ва хунармандлар туман тадбиркорликка кўмаклашиш марказларига тегишли ҳужжатлар орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 236-78-45, 233-74-94, 233-46-71.

«ELXOLDING»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИЗДА ЧЕГИРМА

15 500 000 СЎМ

ЮК ТАШУВЧИ МОТОЦИКЛЛАР

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Чегирманинг амал қилиш муддати — 2018 йил 30 сентябргача.

Тел.: (+99893) 330-50-00, (+99871) 239-88-58.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси жамоаси жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судининг раиси Неймат Турапович ХАТАМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахриратга келган кўлазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират марказида терилди ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6